O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№




# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2004 йил 1 апрель №67 (3342) Пайшанба


*БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси Ўзбекистон ҳуқуқ-тартибот органларига "Ҳайратон" назорат-ўтказиш пункти учун ускуналар берди.*

## «Ҳайратон» учун янги ускуналар

ЎзА мухбирига Минтақавий ваколатхонадан хабар беришларича, махсус ускуналар Давлат божхона қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси учун мўлжалланган. Бу тадбир "Ўзбекистон-Афғонистон чегарасида "Ҳайратон" назорат-ўтказиш пункти фаолиятини тиклашда Ўзбекистонга кўмаклашиш" икки йиллик лойиҳаси доирасида ўтказилмоқда.

Ҳуқуқ-тартибот органларига кириш ва чиқиш пунктларида йўловчилар ва юкларни кўздан кечириш учун рентген ускуналари, узлуксиз ишни таъминлаш учун электр энергияси генераторлари, ахборотни тўплаш ва қайта ишлаш бўйича махсус тармоқларни яратиш ҳамда божхона ва чегара назоратини амалга ошириш билан боғлиқ фаолият учун компьютер ускуналари топширилди. Натижада "Ҳайратон" назорат-ўтказиш пункти фаолияти анча яхшиланади, бу эса Афғонистонга ва ундан ташқарига юклар оқими суръатига ижобий таъсир кўрсатади.

Умумий қиймати 2 миллион АҚШ доллари бўлган лойиҳа Ўзбекистон-Афғонистон чегарасидаги "Ҳайратон" назорат-ўтказиш пунктида божхона ва чегара назоратини такомиллаштириш, наркотикларга қарши курашда Ўзбекистон ҳуқуқ-тартибот органлари салоҳиятини оширишга қаратилган. Лойиҳанинг асосий донорлари — Буюк Британия, Норвегия, АҚШ, Финляндия.

(ЎзА).



*Китоблар ғоят зўр дўстларимиздир, деган эди бир донишманд, улар бизга тарихдан сўзлайди, маслаҳат беради ва қандайдир бир мукаммаллик билан бизга уйғунлашиб кетган. Бу — рост гап. Негаки, одамлар китоб ўқимай қўйсалар, фикрлашдан ҳам тўхтайдилар. Бу эса тараққиёт заволидир. Собир Раҳимов туманидаги банк коллежи жамоаси бу мантиқни чуқур ҳис қилади. Шу туфайли коллеж қошидаги 25 минг нусхалик кутубхонанинг ҳамиша ораста ва гавжум бўлишини таъминлаш учун курашадилар. Айни вақтда кутубхонага янги дарсликлар билан бирга бадиий адабиётлар ҳам олиб келинмоқда. Талабалар ҳатто бу ердан миллий истиқлол мафкурасига доир адабиётларни қийналмай топиб олиб мутолаа қиладилар. Чунки айнан шу мавзудаги адабиётларнинг алоҳида бурчаги ташкил қилинган.*

**СУРАТДА: коллеж директорининг маънавий-маърифий ишлари бўйича ўринбосари Розияхон Гимуш (ўртада) кутубхоначилар Нилуфар Абдусагатова ва Динора Маҳкамовалар билан янги дарсликларни тартибга келтираётир.**

**Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.**

## ЧУҚУР ҲАМДАРДЛИК

### Ўзбекистондаги террорчилик ҳаракатлари хусусида БМТ Бош котиби Кофи Аннаннинг баёноти

БМТ Бош котиби ўтган икки кун мобайнида Ўзбекистон пойтахти Тошкентда ва Бухоро шаҳри яқинида террорчилик мақсадида содир этилган қатор портлашлар ва бошқа зўравонлик ҳуружлари ўзини ларзага солганлигини изҳор этди. Ана шу портлашлар ва ҳуружлар натижасида йигирмадан зиёд киши ҳалок бўлиб, 50 нафарга яқин киши жароҳатлангани, уларнинг кўпчилиги тинч аҳоли вакиллари эканлиги тўғрисида хабарлар бор.

БМТ Бош котиби бундай жиноий ҳаракатларни ғоят қатъий тарзда қоралайди. Тинч аҳолига қилинадиган ҳужумлар ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайдиган жиноятлардандир.

***

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

2004 йил 29 март куни Тошкент ва Бухоро вилоятида содир этилган террорчилик ҳаракатлари натижасида бир қанча одам ҳалок бўлгани, кўпчилик эса жароҳатлангани ҳақида чуқур таассуф билан хабар топдим. Ўз яқинларидан жудо бўлган оилаларга, шунингдек бутун ўзбек халқига Сиз орқали чин юракдан ҳамдардлигимни йўллашни истардим.

Сабаби қандай бўлишидан қатъи назар, бундай террорчилик ҳуружларини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Ўзбекистондаги вазиятни беқарорлаштириш мақсадидаги ана шу хатти-ҳаракатларни қатъиян қоралайман. Ўзбекистон НАТОнинг муҳим шериги бўлиб, Афғонистонда, шунингдек Марказий Осиё минтақасида барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Самимий эҳтиром ила,

**Яап де Хооп СХЕФФЕР,**
**НАТО Бош котиби**

***

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Мамлакатингизда рўй берган ҳамда кўплаб кишиларнинг ҳалок бўлиши ва жароҳатланишига олиб келган даҳшатли портлашлар муносабати билан чуқур ҳамдардлигимни изҳор этишни истардим. Мен ана шу террорчилик ҳужумларини қоралайман ҳамда уларнинг ташкилотчилари топилиб, зудлик билан одил судловга топшириладилар, деб ишонаман.

Ҳамкасбларим ҳам менинг таъзияларимга қўшиладилар. Ушбу туйғулар ҳалок бўлганларнинг ва жабрдийдаларнинг оилаларига етказилса, миннатдор бўлур эдим.

Президент Жаноблари, Сизга бўлган ғоят юксак эҳтиромимни лутфан қабул қилгайсиз.

**Ян КУБИШ,**
**ЕХҲТ Бош котиби**

***

### Ўзбекистондаги террорчилик ҳаракатлари хусусида Ирландия ташқи ишлар вазири, ЕИ Кенгашининг амалдаги раиси Брайн Ковеннинг баёноти

Бугун эрталаб, кеча ҳамда якшанба куни кечқурун пойтахт Тошкентда ва Бухоро вилоятида содир бўлган бир қатор террорчилик ҳуружлари, жумладан бомба портлатишлари ва отишмалар муносабати билан Европа Иттифоқи раислиги номидан Ўзбекистон раҳбарияти ва халқига ғоят чуқур ҳамдардлигимизни изҳор этаман.

Хабар қилинганидек, якшанба ва душанба кунларидаги ҳужумлар 19 кишининг ҳалок бўлишига ва 26 кишининг жароҳатланишига олиб келди.

Ушбу оғир дамларда бизнинг фикри-зикримиз Ўзбекистон халқи ва ана шу мудҳиш ҳаракатларнинг бегуноҳ қурбонлари оилалари билан биргадир.

Мен бундай террорчилик ҳуружларини ғоят қаттиқ қоралайман.

Кўп кишилар шундай зўравонликнинг қурбони бўлганлигидан чуқур қайғурмоқдамиз ва жароҳатланганларнинг барчаси соғайиб кетишига ишонамиз.

***

### Европа Иттифоқи ташқи алоқалар бўйича комиссари К.Паттеннинг матбуот вакиллари учун берган баёноти

Мен жуда қаттиқ қайғудаман ва бундай ваҳшиёна ҳаракатларни ҳамда уларнинг ортида турган кимсаларни қоралайман.

Таассуфки, Ўзбекистон халқи бундай ҳужумга биринчи марта дучор бўлаётгани йўқ.

Ушбу воқеалар терроризмга қарши халқаро курашда Ўзбекистоннинг фаол ўрнини мустаҳкамлайди холос, менда бунга шак-шубҳа йўқ.

Бутун дунёда террорчилар чинакам демократияни емиришга уринаётган бир пайтда Ўзбекистон шундай демократияни ўрнатиш борасида ўзининг саъй-ҳаракатларини давом эттиравершига ишончим комил.

***

### АҚШ маъмурияти томонидан қуйидаги мазмунда расмий баёнот эълон қилинди:

Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистонда содир этилган террорчилик ҳаракатларини қаттиқ қоралайди. Бу ҳуруж яна бир бор террорчилар диний, маданий ва жўғрофий чегараларни тан олмаслигини кўрсатади. Америка Қўшма Штатлари хунрезлик натижасида қурбон бўлганларнинг оила аъзоларига ва бутун Ўзбекистон халқига чуқур ҳамдардлик билдиради. Бу ҳуруж бизнинг Ўзбекистон билан ва террорга қарши дунёвий курашдаги бошқа ҳамкорларимиз билан биргаликда террорчиларнинг қаерда яширинганлиги ва қаерда ҳаракат қилаётганлигидан қатъи назар, маҳв этиш йўлидаги қатъиятимизни янада кучайтиради.

*Барчамиз сезгир, огоҳ ва ҳушёр бўлайлик*

## ТЕРРОРИЗМ — ИНСОНИЯТ ДУШМАНИ

28-30 март кунлари Тошкент шаҳри, Тошкент ва Бухоро вилоятларининг айрим нуқталарида рўй берган террорчилик хуружлари бутун дунёда акс-садо топди. Жаҳондаги кўплаб давлатлар раҳбарлари, сиёсий арбоблар, оддий фуқаролардан мамлакатимиз раҳбарияти номига келаётган мактублар ана шундан далолат беради. Уларда ҳамдардлик туйғулари билан бирга Ўзбекистон терроризмга қарши курашда бундан кейин ҳам олдинги сафларда боришига ишонч билдирилган.

Бугунги кунда терроризм халқаро миқёс касб этди. Дунёдаги ўнлаб мамлакатлар бу офат билан юзма-юз турибди. Яқиндагина Испанияда рўй берган портлашлар ҳали инсониятнинг ёдидан кўтарилгани йўқ. Филиппинда "Абу Сайёф" экстремистик гуруҳи қўпорувчилик фаолиятини давом эттирмоқда. Фаластин, Индонезия, Покистон, Миср, Судан, Сомали, Яман, Жазоир, Саудия Арабистони, Ливан сингари мамлакатлардаги қатор диний-экстремистик ташкилотлар ўз мақсадлари йўлида террорчилик усулларидан фойдаланмоқдалар. Бундай ташкилотлар ғарб давлатларида ҳам бор. Матбуот хабарларига кўра, АҚШда 800 дан ортиқ экстремистик ташкилот бор экан. Улардан 200 таси ўз мақсадлари йўлида куч ишлатишга ҳозир эканлигини билдирган.

2001 йил 11 сентябрда АҚШда рўй берган террористик хуруж инсоният тарихининг ўзига хос бурилиш нуқтасига айланди. XXI асрда одамзод учун энг катта хавф — терроризм офати эканлиги аён бўлди. АҚШ бошчилигида антитеррористик коалиция шаклланди. Ўзбекистон бу коалицияга яқиндан мадад берди, минтақадаги терроризм ўчоқларининг бартараф этилишига муносиб ҳисса қўшди. Зеро, Ўзбекистон раҳбари 1999 йилнинг ноябрида Истанбулда бўлиб ўтган ЕХҲТ Саммитида биринчилардан бўлиб бу хавфга жаҳон жамоатчилиги эътиборини жалб этган эди.

Орадан ўтган икки йилдан ортиқроқ вақт мобайнида терроризмга қарши жаҳон миқёсида олиб борилган кураш ўз самарасини берди. Кўплаб террорчилик ташкилотлари тор-мор қилинди, уларнинг молиявий манбалари аниқланди ва таъминот йўллари тўсилди. Жаҳондаги 60 дан ортиқ мамлакатга хавф солиб турган "Ал-қоида" гуруҳи ва унинг мададкори бўлган толибларнинг раҳбарларига сичқоннинг ини минг танга бўлиб қолди. Покистон ва Афғонистон ўртасидаги тоғларда уларга қарши жанговар ҳаракатлар давом этаяпти. Шу билан бирга терроризмга қарши кураш бир-икки кунлик иш эмаслиги ҳам равшан бўлиб қолди. Чунки экстремистик гуруҳларни таъминлаб турган халқаро молиявий марказлар ҳали тўла аниқланган эмас. Баъзи давлатларнинг экстремистларга хайрихоҳлиги, баъзиларида эса уларга қарши курашнинг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилмаганлиги бунга халақит бермоқда.

Кейинги пайтда ғарб давлатларида мусулмон аҳоли нуфуси ортиб бораётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Масалан, биргина Францияда икки мингдан ортиқ исломий уюшмалар, диний ва маданий марказлар бор. Италия, Буюк Британия, Германия, Голландияда ҳам ислом динига эътиқод қилувчилар кўп. Экстремистик ташкилотлар бу мамлакатлардаги мусулмон аҳоли ўртасида анчагина нуфузга эга. "Ҳизб ут-таҳрир" ташкилотининг бош қароргоҳи Лондонда жойлашганлиги ҳам бежиз эмас. Европа давлатларида фаолият олиб бораётган исломий уюшмалар томонидан тўпланаётган маблағларнинг бир қисми экстремистик ташкилотларга ўтказилмаётганлигига ҳеч ким кафолат бера олмайди.

Энди мамлакатимизда рўй берган террорчилик ҳаракатларига келсак, уларнинг таъминотчилари ҳам хорижда эканлигига шак-шубҳа йўқ. Мамлакатимиз Бош прокурори Рашид Қодиров таъкидлаганидек, амалга оширилган террорчилик ҳаракатларининг шакли ва усули бизнинг халқимизга хос эмас, четдан буюртма берилгани аниқ. Бундан мақсад Ўзбекистондаги барқарорликка путур етказиш, одамлар қалбига қўрқув ва таҳлика солиш эди. Чунки мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, демократик ва озод жамият барпо этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз кимларгадир ёқмайди. Улар ўрта аср тартибларини қўмсайдилар. Бундай ҳаракатларнинг улуғвор исломий ғояларга мутлақо алоқаси йўқ. Жаҳондаги нуфузли диний уламолар ҳам қайта-қайта бу ҳақда гапирмоқдалар. Бундан бир неча ой муқаддам Малайзия пойтахтида диний уламоларнинг халқаро конференцияси бўлиб ўтган эди. Қоҳирадаги қадимий Ал-Азҳар масжиди ходими, муътабар шайх Муҳаммад Саид Тантавий унда сўзга чиқиб, ёшларни ўзини портлатиш йўли билан террор қилишга йўллаётган гуруҳлар ислом душманларидир, деди. Унинг фикрича, экстремистлар ислом ва жиҳод тушунчаларини ўз мақсадлари йўлида бузиб талқин қиладилар. Экстремизм — исломият душманидир, деди шайх.

Экстремистлар нега ўз ҳамлалари учун айнан Ўзбекистонни танламоқдалар, деган савол туғилади. Ўзбекистон — Марказий Осиёнинг қалби, минтақанинг энг кўп мусулмон аҳоли яшайдиган мамлакати. Бу ерда нотинчлик яратиш билан бутун минтақани таҳликага солиш мумкин. Ўзбекистон терроризмга қарши кураш байроқдорларидан бири, Марказий Осиё ҳамкорлик Ташкилоти ва Шанхай ҳамкорлик Ташкилоти доирасида террорчилик, уюшган жиноятчилик ва наркобизнесга қарши кураш марказлари тузиш ташаббусчиси. Бундай ҳаракатлар минтақада қадимий халифаликни тиклашдек хомхаёл билан юрганларга албатта ёқмайди.

Инсоният бугун терроризмга қарши аёвсиз кураш жабҳасида турибди. Бу — маърифат ва жаҳолат, эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги азалий кураш жабҳасидир. Ўзбекистон бу курашнинг олдинги маррасида бормоқда. Бунда жиддий тўқнашувлар ҳам, талафотлар ҳам бўлиши мумкин. Аммо кураш ғалаба билан якунланишига шубҳа йўқ. Чунки турли миллат ва диндаги эзгу ниятли миллионлаб кишилар биз билан ҳамфикр эканлигини яхши биламиз. Дунёнинг турли бурчакларидан келаётган самимий дил сўзлари битилган мактублар бунинг гувоҳидир.

**Насриддин МУҲАММАДИЕВ.**

## Бировга чоҳ қазисанг...

*Киндик қони тўкилган тупроққа муҳаббат, бағрида ардоқлаб улғайтирган муқаддас Ватанга, ўз заҳмати билан ризқ-рўз топган халққа садоқат туйғусидан бебаҳра жисм ё жасадни ИНСОН деб атаб бўлармикин?!*

Ҳа, инсон буюк, агар у ана шу буюкликка муносиб бўлса, шайтон васвасасидан холи бўлса... Аммо ана шу буюк башариятга меҳр ўрнига разолат билан қараса, унга озор етказишдан завқланса, уни таҳлика ва даҳшат исканжасида тутишга интилса, бу инсонликка хиёнат, шайтонликнинг ўзгинаси эмасми? Бухоронинг Ромитани ва пойтахтимиз Тошкентда содир этилган мудҳиш жиноятлар — террористик ҳаракатлар бошида турган кимсаларни бундан бошқа яна нима ҳам деб аташ мумкин?!

Баҳор бутун таровати билан жонажон Ватанимиз кўркига кўрк қўшиб турган, деҳқону боғбон эзгу ниятлар билан уруғ экиб, кўчат ўтқазаётган, боғ-роғига пардоз бериб, эртанги тўкинчилик, бола-чақаси истиқболи йўлида меҳнат билан банд кунларда унинг юрагига ғулғула солишга жазм этганларга айтадиган гапимиз битта: иғвогарона ҳаракат билан энди бизни чалғитиб ҳам, қўрқитиб ҳам бўлмайди.

Чунки не-не йўқотишлар, камситишлар, қатағонлар жонидан ўтган халқ учун мустақиллик қанчалик муқаддас бўлса, уни сақлаб қолиш, мустаҳкамлаш йўлида аҳиллик ва бирдамлик шунча зарур.

Ҳеч бир мамлакатда мустақилликка осон эришилган эмас, ҳеч бир давлатда ҳаётнинг бор муаммолари тугал ечилган эмас. Ҳеч бир юртда барча табақа бир хилда бой-бадавлат яшаб, оёғини узатиб осойишта ҳаёт кечираётгани йўқ. Буни ахир бутун дунё аҳли кўриб турибди.

Бас, шундай экан, ўткинчи муаммоларни рўкач қилиб, қийинчиликларимизни бўрттириб жар солаётган, ўзларини Ўзбекистон халқининг, ўзбекларнинг ҳимоячиси қилиб кўрсатишга зўр бераётган, Ватанимизда таҳликали вазиятни вужудга келтириш, шу йўл билан халқимизни парокандаликка дучор қилишга уринаётган жаноблар чучварани хом санайдилар.

Бегуноҳ қурбонларнику, иншооллоҳ, худо раҳматига олгай, аммо сизлар то қиёмат аросатда бўлгайсиз. Башар нафрати чиркин кўнгиллрингиз каби кўзларингизни ҳам сўқир этгай. Ўзбекистон камолини кўролмайдиган кўзлар қисмати сўқирликдан бошқа нарса эмас.

Ҳа, жаноблар, сўқир кўзлар туну кунни, тонгу хуфтонни фарқлолмагай.

Бизда мунаввар тонг отаётир.

**Ҳабиб САЪДУЛЛА,**
**Ўзбекистон халқ шоири.**

*Миллатимизнинг азалий байрами — Наврўзни не-не яхши тилаклар, орзу-умидлар билан нишонлаётган халқимиз содир этилган мудҳиш воқеалардан ташвишга тушди. Айни шундай улуғ айём кунларида қабиҳ ниятли кучлар бегуноҳ ёш болалар, аёллар, кексаларнинг ҳаётига зомин бўлди.*

## Эл қарғиши — ўқ!

Маҳалла тинчлиги — юрт тинчлиги. Юрт тинчлиги — мулк оройиши. Зеро, шу кунлардаги шароит катта-кичик, ёшу қари — ҳаммамиздан ниҳоятда сезгирлик, огоҳлик талаб этаяпти. Шу боис маҳалламиз нозирлари, посбонлари, фаоллари ҳар доим ҳушёр бўлиш лозимлигини янада теранроқ тушунаяптилар. Бу воқеалар нафақат халқ посбонларидан, балки шу заминда умргузаронлик қилаётган ҳар бир кишидан ҳушёрликни талаб этаётир ва шундай бўлиши шарт.

Эл-юрт фаровонлигини, осойишталигини кўролмай, ғаламислик қилаётганлар оддий бир ҳақиқатни билиб қўйсинларки, ҳеч қачон халқ билан ўйнашиб бўлмайди. Кўпнинг қаҳрига учраганларнинг у дунё-бу дунё косаси оқармайди. Чунки "Эл қарғиши — ўқ!" дейдилар...

**Абдуқуддуз АБДУРАҲИМОВ,**
**Тошкент шаҳридаги "Исломобод" маҳалла оқсоқоллар кенгаши раиси.**

## *Қолоқлик сабаблари нимада?*

*Бозор иқтисодиётининг ўзига хос қонун-қоидалари бор. Унга амал қилган корхона ва ташкилот юқори кўрсаткичларга эришиши, катта даромад олиши табиий. Шу билан бирга, барқарор фаолият кўрсатаётган ҳиссадорлик жамиятларининг акциялари одамларга катта даромад ҳам келтиради. Масалан, ривожланган давлатда истиқомат қилаётган пенсионер иқтисодиёти мустаҳкам корхонанинг бир неча акциясини сотиб олиб, ажратилган дивидендлар ҳисобига бойиб кетиши ҳеч гап эмас. Шу боис чет мамлакатлардаги юқори даромад олиб ишлаётган корхоналарнинг акцияларига талаб катта. Қимматли қоғоз ҳисобланган бундай акцияларни фуқаролар истаган биржалардан харид қилиши мумкин. Бу улар учун оддий ҳолга айланган.*

# Акция қадрини дивиденд белгилайди

**“Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг” компаниясида қимматли қоғозларни сотишда сусткашликка йўл қўйилаётганлиги хусусида**

Айни пайтда “Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг” компанияси таркибида 43 корхона, 4 қўшма корхона ва 13 минтақавий техника маркази мавжуд бўлиб, улар ўз фаолиятини бозор талаблари асосида юритмоқда. Ҳозир барча корхоналарда мулк шакли ўзгартирилиб, ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилган. Уларнинг айримларида корпоратив бошқарув усулини жорий қилиш борасида ҳам иш олиб борилянти. Кўрсаткичлар йилдан-йилга яхшиланяпти. Шунингдек, тизимда маҳсулотни хорижга экспорт қилиш ҳажми кўпаяётир. Мустақилликка эришилгунга қадар бирорта давлатга қишлоқ хўжалик техникасини экспорт қилмаган республикамизда илк бор ушбу компания маҳсулотлари Туркманистон, Туркия, Россия, Украина, Венгрия, Қозоғистон, Афғонистон ва Озарбойжон давлатларига жўнатилмоқда. Масалан, биргина ўтган йилнинг ўзида 6449,4 минг АҚШ доллари қийматидаги турли русумдаги трактор ва эҳтиёт қисмларнинг хорижга сотилганлиги фикримизнинг далилидир.

Шунингдек, компания корхоналарида ишлаб чиқаришга чет эл сармоясини жалб қилиш, қўшма корхоналар сонини кўпайтириш асосий вазифа қилиб белгиланган. Айниқса, АҚШ, Англия, Чехия, Италия, Россия давлатлари билан ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида эътибор беріляпти. Масалан, бундан икки йил илгари Хитой мамлакати томонидан ажратилган кредит ёрдамида “Тошкент трактор заводи” давлат ҳиссадорлик бирлашмасида мини тракторлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилганди. Ҳозир ана шундай техника воситалари фермерлар ва деҳқон хўжаликлари эгаларига маъқул бўлмоқда. “ЎзКейсмаш” қўшма корхонасида тайёрланаётган пахта териш машиналари ҳам хорижникидан асло қолишмайди. Улар жаҳон андозалари талабларига тўла жавоб беради.

Лекин, бозор иқтисодиётининг бирламчи мезонларидан бири — хусусийлаштириш масаласи компанияда ҳамон оқсаётганлиги афсусланарли ҳолдир. Хусусан, ўтган йили акцияларни сотишда белгиланган вазифалар амалда уддаланмади. Давлат улушидаги акцияларнинг атиги 9,5 миллион сўмлиги сотилганлиги бу борада аҳвол қониқарли эмаслигини кўрсатади. Тўғри, компания бошқаруви, корхоналар раҳбарлари қўл қовуштириб ўтирганлари йўқ. Жумладан, “Тошкент трактор заводи”, “Тошқишлоқхўжаликмаш”, “Чирчиққишлоқмаш”, “Мотор заводи” ҳиссадорлик бирлашмалари ўз акцияларини Германия, Россия, Туркия, Италия, АҚШдаги ишбилармонларга сотиш юзасидан иш олиб боришмоқда. Аммо кўрилаётган чора-тадбирлар барибир самара бермаяпти.

Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йил якунларига бағишланган йиғилишида Президентимиз айрим тизимларда хусусийлаштириш соҳасидаги ишлардан қониқмаслигини баён этиб, улар орасида “Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг” компаниясини ҳам санаб ўтаркан, шундай деди: “Бунга мазкур тармоқ ва ҳудудларда белгиланган вазифаларни бажариш механизми тўлиқ ишга солинмагани асосий сабаб бўлмоқда. Акция пакетларини номига – рамзий нархларда сотишда, айтиш керакки, ортиқча эҳтиёткорлик қилинмоқда”.

Шунингдек, назаримизда акциялар суст сотилаётганлигининг бошқа сабаблари ҳам бор. Айтайлик, компаниянинг бир қатор корхоналари иқтисодий жиҳатдан бақувват эмас, шу боис уларнинг акцияларига ажратилаётган дивидендлар миқдори кам. Агар ўтган йил якунларига назар ташлайдиган бўлсак, тизимда зарар кўриб фаолият кўрсатаётган ҳиссадорлик бирлашмалари йўқ. Лекин уларнинг орасида ниҳоятда кам миқдорда фойда олиб ишлаётганлари ҳам бор. Мисол учун, “Тошқишлоқхўжаликмаш” корхонасида рентабеллик даражаси 1,2, “Агрегат заводи” корхонасида эса 2,2 фоизни ташкил қилганлигига нима дейсиз? Шундай бўлгач, нафақат хорижлик, балки ўзимизнинг ишбилармонлар ҳам компания акцияларига унчалик қизиқишмайди-да.

Эътироф этиш керак, тизимда, хусусийлаштириш соҳасидаги аҳволни яхшилаш бўйича бир қатор чора-тадбирлар кўрилмоқда. Структурани қайта ташкил этиш дастурига биноан, ҳиссадорлик бирлашмаларининг унумли фойдаланилмаётган айрим цехлари негизида тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган 12 шўъба корхона ташкил қилинди. Уларнинг акциялари кичик бизнес соҳасида фаолият кўрсатаётган тадбиркорларга сотилмоқда. Акцияларни харид қилган ишбилармонлар сармоявий мажбурият ҳам олишмоқда. Бир қатор корхоналарнинг Низом жамғармасини 50 минг АҚШ долларига етказиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ниҳоясига етди. Шунингдек, барча ҳиссадорлик бирлашмаларининг умумий йиғилишида меҳнат жамоаларининг аъзолари Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси таркибидан чиқарилиб, уларнинг ўрнига корхоналарда ишламайдиган акциядорлар киритилди. Шу билан бирга, корпоратив бошқарувни жорий этиш мақсадида раҳбарлик лавозимидаги масъул ходимлар малака оширишга юборилмоқда.

Компания ва корхоналар раҳбарлари хусусийлаштириш, хусусан, акцияларни жойлаштириш бўйича мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиши, кўрилаётган чора-тадбирлар ижросини қатъий назорат қилиши, ҳиссадорлик бирлашмалари ва жамиятлари иқтисодиётини мустаҳкамлаш борасида ҳали кўп ишларни амалга ошириши лозимлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

**Ҳосил КАРИМОВ,**
**“Халқ сўзи” мухбири.**

# Ҳар касбнинг ўз ўрни бор

*Бир мактабда болаларнинг «Мен ким бўлмоқчиман?» мавзуида ёзган иншолари билан танишиб, ёш авлоднинг касбу корга муносабатини тасаввур этгандек бўлдим. Чунки синфдаги болаларнинг ярми судья, прокурор, адлия ходими, малакали адвокат бўлишни орзу қилишларини билдиришган. Уларнинг орасида тадбиркор, савдо ходими, ҳатто қассоб бўлишни истовчилар ҳам бор эди. Шунда ўқувчилар устози ўпкалаган бўлди:*

*— Наҳотки, биронталаринг ўқитувчи бўлишни истамасаларинг?...*

***Мулоҳаза***

Дунё тараққиёти, юксак техника, технология ва илм-фан ютуқларига таянаётган бизнинг давримизда касбларга муносабатнинг бу қадар тез ўзгариши табиий. Энг қадрланадиган касблар тўсатдан четда қолиб кетиши, янги пайдо бўлган касб тезда ҳамманинг эътиборига тушиши мумкин.

Касбларга талаб ва эътиборнинг ўзгариши бутун дунёда кечаётган табиий жараёндир. Бундан ўн йил олдин халқаро меҳнат бозорида компьютер дастурлари мутахассислари, банк хизматчилари, менежер ва ҳуқуқшуносларга талаб катта эди. Айни пайтда бу эҳтиёж бироз камайгандай.

Ирландияда эса ўқитувчилик касби қадимдан эъзозланади. Бу мамлакатда таълим соҳасидан ташқари фаолияти соғлиқни сақлаш, компьютер ва муҳандисликлик технологиялари, банк иши билан боғлиқ мутахассисларга ҳам ҳурмат билан қарашади.

Германияда шифокорлик касби доим эъзоз ва эътиборда. Institut fuer Demoskopie Allensbach ташкилоти ўтказган сўровнома натижаларига қараганда, бу касб эгаларига мамлакат аҳолисининг 74 фоизи алоҳида эҳтиром кўрсатди. Руҳонийлар, университетлар профессорлари, адвокатлар ва тадбиркорларга ҳам эътибор ўзгача!. Deutsche Welle маълумотига кўра муҳандислик ва конструкторлик борасида пойдор анъаналарга эга бўлган Германия техника олий ўқув юртлари кейинги йилларда етарли талабалар сонини тўплай олмаяпти. Бу эса муҳандис касби нуфузи кундан-кунга тушиб бораётгандан далолат беради.

Ҳозир Америка Қўшма Штатларида молиявий маслаҳатчи ва олимлар энг нуфузли касб эгаси ҳисобланади. Шунингдек, бу ерда Америка конгресси аъзоси бўлишга интилаётганлар кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Буни Американинг балоғатга етган аҳолисининг учдан бир қисми конгрессменликни обрўйли касб деб ҳисоблаётганидан ҳам билса бўлади. Мамлакатда бир неча йил илгари ёшларнинг кўпчилиги шифокор ёки ўқитувчи бўлишга интилишарди. Айни пайтда эса адвокатлардан бошқа ҳуқуқшунослар, банкир, касаба уюшмаси хизматчиси, журналист ва бухгалтерлар ҳам аввалги мавқеини йўқотиб бормоқда.

Касбларга тараққиётнинг таъсирини австралиялик жун қирқувчилар мисолида кўришимиз мумкин. Бу касб яқин-яқингача Австралияда жуда эъзозланиб келинган. Кейинги пайтда қўй жунлари кимёвий йўл билан олинадиган бўлди. Натижада жун қирқувчилар унутила бошланди.

Россияда молия, хусусий тадбиркорлик, ҳуқуқ ва маркетинг билан боғлиқ касблар нуфузли ҳисобланади. Башоратларга қараганда, яна беш йилдан кейин маркетолог, муҳандис ва маиший хизмат соҳаларида фаолият юритувчи мутахассислар касблар шоҳсупасини эгаллайди.

Касбларга бўлган қизиқиш, одатда, олий ўқув юртларида ўтказилаётган танловларда яққол кўринади. Хўш, бугун Ўзбекистонда қайси соҳаларда илм олишга иштиёқ кучли?

Республика Давлат тест маркази берган маълумотларга қараганда, энг юқори танловлар гуманитар йўналишлар бўйича — ҳуқуқшунослик, тарих ва фалсафа; иқтисодиёт йўналиши бўйича – иқтисод, молия ва маркетинг; педагогика йўналиши бўйича — педагогика ва бошланғич таълим, биология, ўзбек тили ва адабиёти соҳаларида қайд этиляпти. Таҳририят томонидан талабалар орасида ўтказилган кичик сўровнома натижаларига қараганда, юқорида тилга олиб ўтилганларидан ташқари, халқаро алоқалар, техника ва технология, тиббиёт сингари соҳаларга қизиқиш катта экан. Мамлакатимиз келажагини тасаввур этаётган ва тараққиёт жараёнларини ҳис қилган кўплаб ёшлар ахборот технологиялари, геология, нефть ва газ таълими йўналишларига ихтисослашган олий ўқув юртларига кўпроқ ҳужжат топшира бошлаганлар. Ёшларимиз кейинги пайтларда ҳарбий соҳага ҳам катта қизиқиш билан қарашмоқда. «Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази томонидан ўтказилган сўровнома натижаларида айтилишича, ўзбек йигитларининг 16 фоизи зобит бўлмоқчи. Лекин негадир ўқитувчилик касблар рўйхатининг охирига тушиб қолган.

Мутахассислар, бундан ташқари, қатор касбларни истиқболли, деб баҳоламоқдалар. Улар сирасига молиячи, менежер, маркетолог, рекламачилар, продюссер, трейдер, журналист, турли соҳа маслаҳатчилари киради.

Касб танлаш — жуда нозик масала. Бунинг учун турли омил ва сабаблар ҳисобга олинади. Шу боис талабаларнинг 28 фоизи ўз касбларини жамиятга қанчалик кераклигини ҳисобга олиб танлашган. Уларнинг 19 фоизи касбларини ташқи дунё билан танишиш имкониятларига қараб танлашган. Талабаларнинг 5 фоизигина қизиқишлари ва орзуларини рўёбга чиқариш учун ўз касбларини танлаганликларини тан олдилар.

Касб-кор инсоннинг жамият учун фойда келтирадиган фаолият тури ҳисобланиши билан бирга, даромад манбаи ҳамдир. Аммо нима бўлганида ҳам, жамиятнинг фаровонлиги, тараққиёти фуқароларнинг ўз касбларини қай даражада уддалашлари, ишларини дунё андозалари ва савияси даражасида бажара олишларига боғлиқдир. Касблар ҳам доим ўзгаришда, тараққиётда бўлиши табиий. Касбни эъзозлаган одамни касб ҳам эъзозлайди.

**Хуршид РАУПОВ.**



*Ёшларимизнинг келажакда ҳар томонлама билимдон, етук инсонлар бўлиб етишишлари учун барча шароитлар муҳайё этилган. Бу борада Қорақалпоғистоннинг Мўйноқ туманида ҳам кўпгина ибратли ишлар амалга оширилаётир.*

*Туманнинг намунали билим ўчоқларидан ҳисобланган Мўйноқ қалъасидаги саноат-транспорт коллежида бугунги кунда етти юз нафардан зиёд қишлоқ ёшлари касб-ҳунар сирларини кунт билан ўрганмоқда. Уларнинг пухта билим олишлари ва касб-ҳунар сирларини мукаммал эгаллашлари учун устоз ва муаллимлар астойдил ҳаракат қилишади.*

***Суратда:** коллеж ўқитувчиси Арслон Хўжамуродов автотранспорт дарсидан машғулот ўтаётир.*

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

# Дўстлик меҳрдан бошланади

Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалари жамиятлари кенгашида “Дўстлик меҳр-мурувватдан бошланади” мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг фаол аёллари билан бир қаторда юртимизда ишлаётган хорижлик ишбилармонларнинг рафиқалари ҳам иштирок этишди.

— Ота-боболарим асли андижонлик, — дейди саудиялик Холида Усмон. — Мен бугун Ўзбекистонга келиб жон-жигарларимнинг “Хуш келибсиз” деган каломига “Ҳушвақт бўлинг”дея олганим учун падари бузрукворимдан беҳад миннатдорман. Саудияда араб тилида сўзлашсак-да, остонадан уйга киргач отам биздан ўзбек тилида сўзлашишни талаб қилардилар.

— Бизнинг оиламизда ўзбекча урф-одатлар ҳукмрон, — дейди АҚШлик ватандошимиз Руқия Жалолор. — Мен Ўзбекистон осмонига мусаффолик тилайман.

**М. ТОЖИЕВА.**

# Асака толасига олтин медаль

Асака туманидаги 2-тажриба-экспрементал пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раҳбари апрель ойининг охирида “Тижоратда энг юқори сифат” иккинчи халқаро форумида иштирок этиш учун Женевага боради. Энг эътиборлиси, у Иш амалиётида юқори сифатга эришиш халқаро фонди бошқаруви томонидан Асака толасига берилган олтин медални олиб қайтади.

# Иш қуролинг соз бўлса...

Қашқадарё вилоятида фаолият кўрсатаётган фермерларнинг 27 нафари лизинг асосида тракторлар сотиб олишди. Вилоятда “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” акциядорлик лизинг компанияси мижозларининг ўтган йиллардагидан кескин ошганлигининг асосий сабабларидан бири лизинг тўловларидаги устаманинг 12 дан 10 фоизга туширилганлигидир.

Бу йил сотиб олинган 27 та “ТТЗ-80-11” русумли трактор деҳқонларнинг қанотига айланиши шубҳасиз.



**Ўз мухбиримиз.**

## *Газетада босилмади, аммо...*

Шўрчи тумани У. Дониёров номли ширкат хўжалигида истиқомат қилувчи О.Аҳмедов ва бошқалар таҳририятимизга йўллаган хатида хўжаликда табиий газнинг йўқлигидан шикоят қилишган.



Хат текшириш учун Сурхондарё вилояти ҳокимлигига юборилган эди.

# Назоратга олинди

Вилоят ҳокимининг ўринбосари Х.РАМАЗАНОВ имзоси билан таҳририятимизга келган расмий жавобда таъкидланишича, *2003 йилда тумандаги У.Дониёров номли ширкат хўжалиги қишлоқларини газ билан таъминлаш мақсадида "Сурхондарёгаз" ҳудудий газ таъминоти корхонаси маблағлари ҳисобидан 1 км., ширкат хўжалиги маблағлари ҳисобидан 2 км. юқори босимли газ қувури ўтказилиши режалаштирилган. Йил давомида эса "Сурхондарёгаз" ҳудудий газ таъминоти корхонаси маблағлари ҳисобидан 1 км., ширкат хўжалиги маблағлари ҳисобидан 1,4 км. юқори босимли газ қувури ўтказилган.*

*Шунга кўра, У.Дониёров номли ширкат хўжалиги ҳисобидан режага нисбатан амалга оширилмаган 0,6 км. юқори босимли газ қувури жорий йилнинг биринчи чораги якунига қадар ўтказилиши режалаштирилган. Бу масала Шўрчи тумани ҳокимлиги томонидан назоратга олинган.*

# НКМ савлатга қўйилмаган!

*Ўзини ҳурмат қилган тадбиркор, у савдо-сотиқ билан шуғулланадими ёки хизмат кўрсатиш соҳасидами, белгиланган қонун-қоидаларни ҳам жойига қўяди. Оддийгина дўконга киринг. Сотувчи қўли-қўлига тегмай савдо қиляпти. У харидор танлаган молнинг ҳақини олади-ю, қўлига чек тутқазади. Қандай яхши манзара. Дўкондорнинг ҳисоб-китоби жойида, мижознинг эса харид қилган буюми сифатидан кўнгли тўқ, ёқмай қолса, алмаштириб олишига кафолат бор.*

Нақд пул муомаласи билан шуғулланадиган субъект борки, назорат касса машинаси унга чинакам ёрдамчидир. Фақатгина сон-саноқсиз рақамларни «мия»сига жойлаш қобилиятига эга бўлган бу кўмакчидан тўғри фойдаланилса, бас. Бироқ юртдошларимизнинг ҳаммаси ҳам ушбу оддий ҳақиқатни англаб етяптими, Вазирлар Маҳкамасининг «Назорат касса машиналаридан фойдаланишда жавобгарликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросига ким қандай ёндашмоқда?

Ана шу саволга жавоб топиш мақсадида ўтказилган назорат тадбирларидан бирида вилоят марказида жойлашган «Наманган маҳсулотлари» савдо-ишлаб чиқариш корхонаси бошлиғи Ж. Рўзиевнинг антиқа «ихтироси» фош бўлди. У савдодан тушган пулларни НКМга кирим қилса-да, машинанинг фиксал хотирасини ўз фойдасига ишлайдиган ҳолатга келтириб қўйган экан. Солиқчилар у харидордан олган 24 минг сўмни, яъни машинада қайд этилган маълумотни топиш учун бекор овора бўлишди. Қинғир ишнинг очилиши Ж. Рўзиевга қимматга тушди. Корхона ҳисоб рақамидан бир миллион 88 минг сўм, ўзининг ҳамёнидан эса 27,2 минг сўм жаримани қуртдай санаб беришга мажбур бўлди.

Даврий ҳисобот олиш имконини йўқотилган шундай НКМ Наманган шаҳридаги «Учрашув» кафесида ҳам бемалол ишлатилаётган экан. Унинг фиксал хотирасини ишдан чиқарган шоввозлар ҳам тегишли жазо олдилар. Умуман, ўтган давр мобайнида 5 та ҳолатда НКМлардан фойдаланиш билан боғлиқ юқоридаги сингари сохтакорликлар аниқланиб, айбдорларга нисбатан тегишли молиявий чоралар қўлланилди.

***Солиқ тизими***

Гап фақат назорат касса машиналаридан фойдаланиш қоидасини бузишда десак, уни савлатга ўрнатиб қўйиб, тушум пулларини билганича тасарруф этаётганлар ҳам талайгина экан. Хусусан, сўнгги пайтларда ўтказилган 282 та текшириш жараёнида 137 ҳолатда 10,4 миллион сўм нақд пул кирим қилинмагани, 155 ҳолатда 20,3 миллион сўм банк муассасасига топширилмагани, 6 жойда товарларни улгуржи сотиш қоидаси бузилганлиги кўзга ташланди. Масалан, Тўрақўрғон туманидаги «Камолот МЧЖ»га қарашли савдо дўкони соҳиблари 1,5 миллион сўм тушумни ўз билганларича айлантириб юрган экан. Сирлари фош этилиб, зиммаларига ярим миллион сўм жарима юклангач, аттанг, деб қолишди. Попдаги «Диёра» хусусий фирмасида эса «Билса ҳазил, билмаса чин» қабилида иш тутиб, савдодан тушган ва НКМга кирим қилинган 6 миллион 20 минг сўмни банкка топширишни «унутишган»ига нима дейсиз? Бунинг учун улар топширилмаган пул миқдорида жарима тўладилар. Наманган туманидаги «Саховат-2000» ногиронлар кичик корхонаси мутасаддилари бўлса, «Бизни ким ҳам текширарди» деган хаёлга боришган, шекилли. Вазирлар Маҳкамаси қарори талабларига зид равишда 9,5 миллион сўмлик ҳар хил молларни улгуржи равишда сотиб юборишгани бунинг тасдиғидир. Оқибатда ногиронлар аҳволини яхшилашга асқотиши мумкин бўлган 9,5 миллион сўм пул жаримага айланди-қолди.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, қонунни четлаб, солиқ идоралари, банк ва бошқа назорат қилувчи идораларини алдайман, деганларнинг ўзи алданиб қоляпти. Аслида савдо-сотиқ, бошқа амалларни қонун асосида бажариб, хотиржам ишлаганга нима етсин? Қолаверса, иш ҳақи ва турли нафақаларнинг ўз вақтида берилиши, бунёдкорлик юмушлари кўлами, бир сўз билан айтганда, ҳаётимизнинг фаровонлиги иқтисодиёт таянчи бўлган солиқлар тўлови, яъни унинг давлат хазинасига тушиши билан боғлиқ. Демак, интизомли солиқ тўловчилар сафи қанчалик кенгайса, кўзлаган мақсадларимиз рўёби шунчалик тезлашади.

**Баҳодир НЕЪМАТОВ,**
**Наманган вилояти давлат солиқ бошқармаси бошлиғи.**

# Ваҳимадан ким манфаатдор?

*Сўнгги икки-уч кунда жаҳон оммавий ахборот маҳкамалари нигоҳи Ўзбекистонга қаратилди. Пойтахтимиз ва Бухоро вилоятида содир этилган террорчилик ҳаракатлари ҳақидаги хабарлар дунёдаги деярли барча газеталарнинг биринчи саҳифаларида босилди. Кўплаб давлатлар телевидение ва радиосидаги янгиликлар кўрсатувлари ҳамда эшиттиришлари Тошкентдан узатилган хабарлар билан бошланди. Булар бежиз эмас. Чунки террор балоси айни пайтда бутун ер юзини бирдек ташвишга солаяпти.*

Бугун юзлаб мамлакатлар раҳбарлари, сиёсий арбоблар, оддий одамлар бу мудҳиш фожиага ўз муносабатларини билдирмоқдалар. Жумладан, Америка Қўшма Штатлари Давлат департаментининг махсус вакили Ричард Баучер бу бемаъни зўравонлик хуружлари жирканч иллат эканлигини, АҚШ маъмурияти уни кескин қоралашини қайд этди.

Ўзбекистонда рўй берган кўпорувчиликларда турли диний оқимлар, жумладан "Хизб-ут-таҳрир"нинг ҳам қўли бор деган тахминлар айтилаётгани муносабати билан Интернетнинг Newsru.com тармоғида мазкур оқим вакили Имрон Воҳид билан интервью эълон қилинди. Имрон Воҳид "Ҳизб-ут-таҳрир"нинг террорчиликларга алоқаси йўқлигини таъкидлайди. Ассошейтед пресс агентлиги мухбири эса "Хизб-ут-таҳрир" террорчиликда иштирокини расман тан олмагани билан ўзининг лагерларида террорчиларни тайёрлашда ёрдам берган бўлиши мумкин, дейди.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, айрим оммавий ахборот воситалари Ўзбекистонда рўй берган фожиадан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга уринишмоқда. Кўплаб холис хабарлар билан бирга, миш-мишларга асосланган, аслида эса куракда турмайдиган гаплар ҳам ёзилди. Шов-шувли ҳодисаларни ёқтирадиган, уларни кўпиртириб ёзиш билан обрў топишни мўлжаллаган нашрлар бор. Айни пайтда, бу воқеаларни бузиб талқин қилиш билан ғаразли мақсадларни кўзлаётганлар ҳам йўқ эмас. Масалан, "Газета СНГ" интернет-газетасида эълон қилинган мақола «Ўзбек террорчиларининг мақсади – инқилоб» деб номланган. Унинг муаллифи Алексей Матвеевнинг ёзишича, террористик ҳаракатлар халқнинг норозилиги ифодаси эмиш, террорчилар халқни фуқаролар урушига кўтаришга уринган эмиш. "Независимая газета", НТВ телеканали эса Тошкентнинг турли қисмларида яна кўплаб портлашлар рўй берди, деган миш-мишларни такрорлади. Улар фактларни бузиб кўрсатиш, нотўғри ахборот тарқатиш билан шуғулландилар.

"Известия" газетаси мухбирининг ёзишича, террорчиларнинг ҳаракати фақат милиция ходимларига қаратилган эмиш. Улар тинч аҳолига ҳеч қандай зарар етказмасмиш. Қизиқ, унда нега террорчи ўзини бозорда, яъни одамлар гавжум жойда портлатиб юборди?

"Коммерсантъ" газетаси ходими ваҳима кўтариш учун ўз мақоласини Ўзбекистоннинг бир неча шаҳрида бир вақтнинг ўзида портлашлар содир бўлди, деб бошлайди. Ваҳоланки, расмий идоралар маълумотларни ўз вақтида бериб турибди.

Россия телевидениеси НТВ канали 30 март куни Тошкентдаги барча бозорлар, одамлар гавжум жойлар ёпиб ташланган, у ерларга ҳеч ким киритилмаяпти, деган ахборотни эфирга узатди. Мен ўша хабарни эшитганимдан сўнг шаҳарни айландим. Бозорларнинг деярли барчаси одатдагидек ишлаяпти. Истироҳат боғларида одамлар бемалол айланиб юришибди. Шаҳар марказидаги Сайилгоҳ кўчаси ҳам гавжум. Ҳеч кимнинг юзида хавотир, қўрқинч кўрмадим.

30 март куни Россия телевидениесининг биринчи канали кимларнингдир ёлғон ахборотига таяниб Тошкентда гўё яна бир аёл ўзини портлатиб юборгани тўғрисида хабар тарқатди. Бу беҳуда шов-шув кетидан қувишдан бошқа нарса эмас. Худди ўша куни Интернетнинг "Gazeta.ru" тармоғида "Ўзини-ўзи ўлдирадиган аёллар Тошкентга интилмоқда" деб номланган мақола босилди. Сарлавҳанинг ваҳималилигини қаранг. Унда айтилишича, шу кунгача Тошкентда бешта аёл ўзини ўзи портлатиб юборган эмиш. Ахир бу қип-қизил ёлғон-ку.

Бундай ваҳимали, ёлғон ва бўҳтондан иборат жумлаларни ёзишдан мақсад нима?

Журналистнинг вазифаси халққа тўғри, холис ахборот етказишдан иборат. Юқоридаги ҳолатларда эса биз бунинг аксини кўрдик. Эътибор бериб қарасангиз, ўзларини ҳақгўй, инсонпарвар, деб ҳисоблаётган бу шахслар, ахборот маҳкамалари ўзгалар фожиасидан ҳам манфаат излаяпти.

Ёлғон ахборот тарқатиш билан жаҳон афкор омасини чалғитиш, бир халқ бошига тушган мусибатдан ҳам ўз манфаати йўлида фойдаланишдан мақсад нима? Бу "мухбирлар" кимнинг ноғорасига ўйнаяпти? Улар наҳотки мустақиллик халқимизнинг асрий орзуси бўлганини, уни ҳимоя қилишга қодир эканлигимизни билишмаса? Халқимизнинг ягона мақсади дунёдаги энг илғор мамлакатлар қаторидан ўрин олиш, тенглар ичра тенг бўлишдир. Бизни бу йўлдан ҳеч ким қайтара олмайди.

**Беккул ЭГАМҚУЛОВ.**

# ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

## Товон пули эвазига



Сербияда собиқ Югославия даврида ҳарбий жиноятлар содир этганликда айблаётганларга бироз енгиллик туғдирувчи қонун лойиҳаси мамлакат парламенти томонидан қабул қилинди. Унга кўра, ҳарбий жиноятчилар товон пули тўлаш орқали ўз айбларини енгиллаштиришлари мумкин.

Эндиликда мазкур қонунга биноан, ҳозир Гаага Халқаро трибуналида суд қилинаётган Сербиянинг собиқ президенти Слободан Милошевич ва унинг бир қатор сафдошларига ҳам енгиллик берилади.

## Бекор қилинганига қарамай...



Хабарингиз бор, шу йил 20 мартда Тайванда орол мустақиллиги бўйича умумхалқ референдуми ўтказилган эди. Бироқ аҳолининг кўпчилиги қатнашмаганлиги сабабли бу оммавий тадбир бекор қилинганди. Шунга қарамасдан иккинчи муддатга президентликка сайланган Чен Шуйбянь орол ўзини мустақил давлат ҳисоблашини маълум қилди. Кузатувчиларнинг фикрича, президентнинг бу чиқиши Хитой-Тайван муносабатларининг янада совуқлашишига олиб келиши мумкин.

## Аҳоли норози

Жанубий Корея Конституциявий суди мамлакат президенти Ро Му Хенга нисбатан қўлланилган импичмент тўғрисидаги қонунни кўриб чиқишни бошлади. Эслатиб ўтамиз, Ро Му Хен сайлов тўғрисидаги қонунни бузганликда айбланмоқда. Шу йил 12 март куни мамлакат парламенти президентга нисбатан импичмент эълон қилди.

Associated Press ахборот агентлигининг маълум қилишича, парламентнинг қарори мамлакатда катта тортишувларнинг бошланиб кетишига сабаб бўлди.

Президент Ро Му Хенга бир йил ўтмасдан импичмент эълон қилиниши унинг сайловчиларида ҳам норозилик уйғотди. Ўтган шанба куни 35 минг киши Сеул кўчаларига чиқиб, Ро Му Ҳенни президентликка қайта тиклашни талаб қилишди. Ўтказилган жамоатчилик сўровномалар мамлакат аҳолисининг 70 фоизи импичментдан норози эканини кўрсатди.

## Референдум ўтказилади

Исроил ҳукумати Ғазо секторидан қўшинларини олиб чиқиш тўғрисида референдум ўтказишга қарор қилди. Ушбу қарор Тель-Авив шаҳрида «Ликуд» партияси марказий қўмитасининг 7 минг нафар аъзоси қатнашган қурултойда қабул қилинди.

— Референдум қарорини «Ликуд»нинг барча раҳбарлари бажариши шарт, хусусан, мен ҳам, — деди Ариэль Шарон қурултойдаги чиқишида.

Айтиш мумкинки, партиянинг ушбу қарори Бош вазир томонидан Исроилнинг Фаластиндан бир томонлама ажралиш тўғрисидаги режасини амалга ошириш борасидаги яна бир қадамдир. Мазкур режада Исроил ҳарбийларини Иордан дарёси ғарбий қирғоғининг баъзи ва Ғазо секторидаги кўпчилик ҳудудларидан чиқариш кўзда тутилган. Шу ойда Исроил Бош вазири ўз режасини АҚШ президенти билан муҳокама қилмоқчи.



Би-би-синг маълумотига қараганда, мамлакат ҳукуматининг баъзи аъзолари Шароннинг сафарига норозилик билдиришаяпти. Уларнинг фикрича, Исроил Бош прокурори мамлакатда баъзи ҳукумат аъзоларининг коррупцияга алоқадорлиги бўйича суд ўтказиш ёки ўтказмаслик ҳақида бир тўхтамга келмагунча сафарни тўхтатиб туриши лозим. Эслатиб ўтамиз: прокуратуранинг Ариэль Шарон ҳам коррупция бўйича жиноий ишга алоқадор бўлиши мумкинлиги ҳақида гумонлари мавжуд.

— Бош вазирнинг келажаги аниқ бўлмай турган бир пайтда, у АҚШга сафар қилмаслиги лозим, — деди уй-жой таъминоти вазири Эфи Эйтам.

Ариэл Шарон турли танқидларни енгиб, ўз режасини амалга оширишини билдирди. АҚШ Давлат департаменти вакиллари берган маълумотга қараганда, ҳозирча расмий Вашингтон Исроил Бош вазирининг режасини маъқуллагани йўқ. Аммо мазкур режа Ариэль Шароннинг шу йил 14 апрелига мўлжалланган сафари чоғида муҳокама қилинади.

## Ўзаро келишувга эришилди

АҚШ ва Россия ҳамкорликда хорижий давлатлардан бойитилган уран моддаларини олиб чиқиб кетишни режалаштирмоқда. Бу ҳақда АҚШ давлат котибининг халқаро хавфсизлик ва қуролланишни назорат қилиш ишлари бўйича ўринбосари Жон Болтон маълум қилди.

Жон Болтон АҚШ Конгрессининг халқаро алоқалар палатаси вакиллари олдида чиқиш қилиб, Вашингтон ва Москва собиқ Югославия, Болгария, Руминия ва Ливиядан бойитилган уран моддаларини олиб чиқиб кетиш юзасидан ўзаро келишувга эришганини маълум қилди.

## Гумондорлар ҳибсга олинмоқда



11 март куни Мадридда юз берган воқеаларни уюштирган террорчиларни қидириш ишларига бошчилик қилаётган судья Хуан дель Ольмо террорчиликка алоқадорликда гумон қилинаётган яна беш нафар шахсни қамоққа олиш тўғрисидаги халқаро ордерга имзо чекди. Бу одамлар бошқа мамлакатларнинг фуқаролари бўлиб, террорчиликларда тўғридан-тўғри қатнашмаган бўлсада, жиноятчиларга ёрдам берган бўлиши мумкин, деб гумон қилинмоқда.

Айни пайтгача 15 киши ҳибсга олинган.

# НАТО кенгайди

Эстония, Латвия, Литва, Болгария, Руминия, Словакия ва Словения давлатлари НАТОга аъзо бўлишди. Етти давлатнинг Шимолий Атлантика блокига кириш маросими АҚШ молия вазирлигида бўлиб ўтди. Америка Қўшма Штатлари давлат котиби Колин Пауэлл янги аъзо мамлакатлар раҳбарларига мурожаат қиларкан, уларни энг нуфузли иттифоққа қўшилганликлари билан табриклади.

Етти мамлакат Бош вазирлари галма-гал давлатлари рамзлари туширилган, ичида эса НАТОга кириш ҳақидаги имзоланган протокол бўлган ҳужжатларни Колин Пауэллга топширдилар. Айнан шу маросим иттифоққа расмий кириш ҳисобланади. Янги аъзо мамлакатлар Бош вазирларига ҳамкорликнинг илк ришталарини боғлаш учун икки дақиқадан кам вақт керак бўлди.



Президент Жорж Буш янги аъзо мамлакатлар иттифоқ тузилаётган пайтда империяга қарам бўлишганини эслатди. Ҳозир эса улар иттифоқнинг тўлақонли аъзоларига айланишганлиги билан табриклади. «НАТО эшиклари бутун Европа бирлашмагунича очиқ туради», деди Америка президенти.

Бельгия ҳарбий ҳаво кучларининг F-16 қирувчи самолётлари Литва ва бутун Болтиқ бўйи мамлакатлари осмонини қўриқлашга киришди.

Литва мудофаа кучларининг АҚШдаги вакили Линас Линкявичюс «Иттифоқ билан интеграциялашиш жараёни ўз ниҳоясига етди. Ваъда қилинганидек, ҳамма нарса ўз вақтида бажарилди. Литва НАТО қалқони остида», деди.

НАТО 1949 йил 4 апрель куни Вашингтон келишуви асосида тузилган. Дастлаб иттифоққа Шимолий Америка ва Ғарбий Европа мамлакатлари кирган эди. 1952 йилда унга Греция ва Туркия, 1955 йилда Германия, 1982 йилда Испания Қироллиги, 1999 йилда эса Венгрия, Польша ва Чехия қўшилди.

Маълумотларга қараганда, янги аъзо мамлакатлар аҳолисининг кўп қисми ҳукуматлари НАТОга кираётганликларини қўллаб-қувватлашмоқда.

Иттифоқнинг 55 йиллиги унинг аъзолари 26 тага етган айни пайтда қизғин нишонланмоқда. Болгария ҳукумати шу муносабат билан мамлакатда миллий байрам эълон қилди.

**Х.РАШИДОВ.**



## Афғонистонга ёрдам бўйича конференция

Берлин шаҳрида Афғонистоннинг тикланишини молиялаштириш бўйича икки кунлик конференция бошланди. Унда 60 та давлатдан келган делегация вакиллари иштирок этаяпти.

Анжуманда Афғонистон Ислом Ўтиш даври ҳукумати раиси Ҳамид Карзай маъруза қилиши кутилмоқда. Маълумотларга қараганда, у донор мамлакатлардан кейинги етти йил ичида 27,5 миллиард доллар маблағ ажратилишини сўрамоқчи. Аммо кузатувчиларнинг фикрича, бунча маблағ ажратилиши даргумон.

БМТ эса Афғонистон етарлича маблағ билан таъминланмаса, мамлакатда яна беқарорлик юзага келишидан хавотирда. Ташкилот вакилларининг қайд этишича, айни пайтда четдан ёрдамсиз Афғонистон иқтисодини кўтариб бўлмайди.

# Фан-техника инқилоби ва иқлим

Кейинги йилларда фан-техника инқилобининг таъсири остида табиатда кескин ўзгаришлар юзага келди. Бир қарашда фан-техника тараққиёти ижобий ҳол бўлиб кўринса-да, унинг салбий жиҳатлари ҳам кўзга ташлана бошлади. Ачинарлиси, тараққиёт экологик мувозанатнинг бузилишига сабаб бўлаётир.

Фан-техника инқилоби натижасида юзага келган энг катта муаммолардан бири — босимнинг кучайишидир. Бу жараён саноат тармоқларидан чиқаётган заҳарли газларнинг ортиб бориши туфайли содир бўлмоқда. Маълумотларга кўра, ер юзида бир йилда ҳавога чиқарилаётган олтингугурт гази, ис гази, кул ва карбонат ангидриднинг миқдори тахминан 500 миллион тоннага етмоқда. БМТ хабар беришича инсоният пайдо бўлгандан буён 80-85 миллиард тонна турли ёқилғи ёқилган. Унинг ярми кейинги 25 йилга тўғри келади. Сўнгги юз йил мобайнида атмосферада карбонат ангидрид миқдори 20 фоизга ортди. Аҳвол шу тарзда давом этса, 2025-2050 йиларга бориб атмосферада корбонат ангидрид миқдори 2 баробар кўпаяди. Статистик маълумотларга қараганда, 2000 йилга келиб ер юзи температураси 1,4 даражага кўтарилган. 2025 йилга бориб бу кўрсаткич 2,5 даражага етиши мумкин. Иқлимнинг исиб бориши ҳар 20 йилда бир даражага ошмоқда. Натижада бугунги кунга келиб она заминда турли хил муаммолар юзага келмоқда, чўллашув жадаллашмоқда. Бу ҳол Саҳрои Кабир, Камиб чўли, Атакама, Гоби, Қорақум, Қизилқум, Такламан, Австралия ва Шимолий Америка чўлларида яққол кузатилмоқда. Хусусан, Саҳрои Кабир жануб томонга йилига 1-1,5 километрга кенгайди. Кузатилаётган илиқ ҳаво тоғлардаги музликларнинг қисқаришига сабаб бўлаяпти. Помир-Олой тоғларидаги мавжуд музликлар 1957-80 йиллар давомида 19 фоиз сувини йўқотди. Улкан музликларнинг эриши сув босишга олиб келиши мумкин. Яна у турли хил юқумли касалликларни кўпайишига сабаб бўлмоқда. Маълумки, касаллик тарқатувчи ҳашорат ва вируслар иссиқ шароитда эркин ҳаракат қилади.

Булардан ташқари, ер юзидаги бундай ҳолат қишлоқ хўжалигига ҳам ўз таъсирини ўтказаяпти. Ачинарли томони шундаки, бугун барча табиатдан оқилона фойдаланиш, ҳаво ва сувнинг тозалигини сақлаш, ўсимлик ва ҳайвонот оламини муҳофаза қилиш ҳақида қайғураётган бир пайтда, баъзилар фақат бугунни ўйлаб иш қилаяпти.

**Илҳом БОЛТАБОЕВ,**
**Нурилло МАЛИКОВ.**

Уздунробита Ўзбекистон МОК нинг бош ҳамкори

GSM

UZDUNROBITA
first cellular

NEW!

"ROBITA GSM"
ЯНГИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ РЕЖАСИ

ТАРМОҚ ИЧИДАГИ ЧИҚУВЧИ ҚЎНҒИРОҚЛАР
1 ДАҚИҚА УЧУН $ 0,05!

| | |
|---|---|
| Абонент тўлови | $ 5,0 ойига |
| Эфир вақти | |
| Кирувчи алоқа | |
| "Уздунробита" абонентлари телефонларидан | Бепул |
| Бошқа телефонлардан | $ 0,08 (1 дақиқа учун) |
| Чиқувчи алоқа | |
| "Уздунробита" абонентлари телефонларига | $ 0,05 (1 дақиқа учун) |
| Бошқа телефонларга Ўзбекистон бўйича | $ 0,10 (1 дақиқа учун) |

Нархлар барча соликлар ҳисобга олинган ҳолда кўрсатилган.

NEW! GSM тармоғи абонентлари учун смартфонлардан Интернетга чиқиш
Телефонларни созлаш ҳақида батафсил www.uzdunrobita.uz да ўқинг.

NEW! SMS-сервис: "Театрлар репертуарлари ҳақида маълумот".
6410 рақамига бўш SMS хабар юбориб, театрлар ва уларнинг тел. рақамлари рўйхатини олиш мумкин. Ойнинг аниқ бир кунидаги спектакль ҳақида билиш учун сизни қизиқтирган кун (1 дан 31) санасини рўйхатдаги тегишли театр рақамига юборилади.
SMS марказга 1 мурожаат нархи - $0,10

www.uzdunrobita.uz / wap.uzdunrobita.uz

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАШТИРИЛГАН

*Қонун ва ижро*

*Тилимиз қадимий ва бой. Унинг қудрати, шуҳрати, обрў-эътибори тобора юксалиб бормоқда. Аждодларимиз томонидан авайлаб-асраб келинган тилимиз мустақиллик шарофати билан янада кўрку тароват олаётгани ҳам сир эмас.*

# НУТҚ — МАЪНАВИЯТ БЕЛГИСИ

Маҳмуд Кошғарий ўз она тилини севишнинг ҳақиқий амалий намунасини кўрсатган буюк шахс эди. У ўзи яшаётган замонда туркий тилнинг оёққа тура бошлаганини, унинг нуфузи ортиб бораётганини ҳис эта билди, кўра олди. Аммо бу жараённинг ўз-ўзича кечмаслигини, унга бепарво ва лоқайд муносабат салбий натижалар келтириши аниқлигини ҳам тасаввур эта олди. Мазкур жараёнга фаол аралашиш йўлларидан бири эса барчанинг: оддий халқнинг ҳам, олиму фузалоларнинг ҳам, тилшуносу донишмандларнинг ҳам эътиборини она тилимиз муаммоларига қаратиш, деб билди. Ўз асари — "Девону луғотит-турк"ни араб тилида яратди. Бу ўша замон — XI аср анъаналари силсиласида оддий ва одатдаги ҳол эди. Бироқ аллома фақат анъанага бўйсуниш учунгина бу ишни қилган эмас. Унинг қалбида, юрагининг тўрида жуда юксак мақсадлар, олижаноб ниятлар бўлганига шубҳа йўқ. Назаримизда, шундай ниятлар замиридаги олтин халқалардан бири она тилини бошқаларга, бошқа тил эгаларига, хориждаги мамлакатларга, ўша элларнинг фуқароларига тарғиб ва ташвиқ қилиш ҳам бўлган.

Буюк олим ўз асарида кўплаб халқ дурдоналарини, афсона ва нақлларини, қўшиқ ва шеърларини келтиради, матал ва мақолларини ёзиб қолдиради. Улар қаторида, жумладан, "Ардам баши-тил" мақоли ҳам мавжуд. Унинг маъноси "ҳар қандай санъат, ҳунарнинг боши тилдир" деганидир. Демак, боболаримиз тилда инсон маънавиятининг, инсон қилмишининг асос ўзакларини мужассам ҳолда тасаввур қилган, шунга ишонган, шу эътиқод билан яшаган.

Бугун баъзи бир ёшларимизнинг тилга, ўз нутқларига бепарворoқ муносабатини кўриб ҳар икки ҳодисани беихтиёр чоғиштирасан, киши. Уларнинг ўз ўртоқларига нисбатан нолойиқ сўзларни қўллаб мурожаат қилишлари, ҳазиллашиб бўлса-да, ёмон тилакларни билдиришлари кўнгилларни бир озгина хира торттиради.

Тилнинг намоён бўлиш шакли нутқдир. Нутқ инсон тафаккурининг, унинг яшаш тарзи, урф-одатлари, керак бўлса ахлоқи, маънавиятининг ҳам намоён бўлиш шаклидир.

Инсонлар, одатда ўзларини нутқ орқали намоён қилишади. Олимларнинг кашфиётлари ҳам, шоир ва ёзувчиларнинг ижод дурдоналари ҳам нутқ орқали юзага чиқади. Сўзлашув чоғида, оддий мулоқот жараёнида янги суҳбатдошга унинг нутқи, ўз фикрларини ифодалаш тарзига қараб баҳо берилади. Мазкур ҳолатни кўзда тутиб бўлса керак, XI асрда "Йилқи йидлашу, йалнгуқ сўзлашу" деган мақол истеъмолда бўлган. Унинг маъноси "Ҳайвон бир-бирини ҳидлашиб билади, инсон эса ўзаро сўзлашиб бир-бирини англайди" дегани. Бу бежиз эмас.

Бурро сухандонларга, моҳир нотиқларга, ажойиб сўз усталарига кўпчиликнинг ҳавас билан қараши яхши маълум. Бу борада, айниқса, ўқитувчилар нутқи умум эътибори ҳамда эътирофида эканлиги ҳам аён ҳақиқат. Мактаб партасидан кейин, ўрта ва олий таълим муассасаларини битиргандан сўнг ҳам шогирдлар ўз устозларини эслаб, уларнинг сўзлаш усулларини, фикрларни баён этиш тарзларини, мулоҳаза йўсинларини эслаб, давраларда гапириб юришади. Муҳими, амалий ишларида бундай яхши намуналардан фойдаланишга ҳам уриниб кўришади.

Шунга қарамай кейинги пайтларда тилимизга бир озгина беларворoқ, ўрни-ўрни билан эса лоқайд муносабатларнинг кўзга ташланиб қолаётганини ҳам тан олишимизга тўғри келади. Энг ёмони, ифодали ўқиш, шеър ёдлашдек одатларимиз тобора заифлашиб кетаётгандек тасаввур уйғотади. Ваҳоланки, буюк аждодларимиз бу борада ҳам ибрат ва намуна мактабини яратиб қўйишган эди. Жумладан, Алишер Навоий Амир Темур ҳақида ўқиганлари ва эшитганларига асосланиб, "шеър ёзмаса ҳам, шеърни шундай ўқир эканларки, уларнинг шеър ўқиши кўпчиликнинг шеър ёзганидан кўра яхшироқдир" деб таъкидлаган эди.

Бугунги лисоний жараёнлар шаклларнинг хилма-хиллиги билан эътиборга молик. Ўзбекистонимизнинг мустақиллиги унинг жаҳон ҳамжамияти билан тобора кўпроқ, зичроқ муносабатлар силсиласида бўлишни тақозо этмоқда. Мамлакатимизда хорижликларнинг ўзлари ҳам, хорижликлар билан барпо этилаётган қўшма корхоналар ҳам тобора кўпайиб бормоқда. Улар ўз хизматларини таклиф этишмоқда, имкониятларини кўрсатишга ҳаракат қилмоқда. Бозор иқтисоди айни шу ҳаракатларга ундаб туришини аста-секин ўзимиз ҳам англаб, унга кўникиб, мослашиб бормоқдамиз. Бу жараёнда рекламалар тобора кўпроқ бўй кўрсатиб келаяпти. Бироқ уларнинг барчасини ҳам кўнгилдагидай, деб бўлмайди. Айниқса, лотин ёзуви орқали ташкил этилаётган кўргазмали-ташвиқот воситаларида имло хатолари кўплаб учрайди, бошқа тиллардан қилинган таржималарда эса ғализ жумлалар, ноўрин қўлланилган сўзлар истаганча топилади. "Чанқоғингга ишон" бунинг жуда яхши намунасидир. Шунингдек "у" билан "ў" нинг, "х" билан "ҳ"нинг нотўғри ва пала-партиш ёзилиш ҳоллари ҳам тез-тез учраб турибди. Айрим рекламаларнинг эса фақат бир тилда ёзилиб, давлат тилида такрорланмаётгани ўринли эмасдек туюлади.

Тилимиз миллатимиз ҳамда мустақиллигимиз рамзи экан, уни асраб-авайлашимиз, унга нуқсон бўлиб ёпишадиган ҳар бир нарсадан уни муҳофаза қилганимиз маъқул ва жоиз кўринади.

Гап тил, нутқ, фикримизни ифодалаш тарзи ҳақида борар экан, бу борада тилшунос олимларимиз, соҳа мутахассислари, методистларимиз зиммасидаги улкан вазифа ҳамда масъулият ҳақида ҳам тўхтаб ўтишга тўғри келади. Уларнинг халқимиз олдида ҳали қарзлари кўп. Тилимиз, унинг тарихи, бугунги ҳолати, нутқ софлиги ва чиройлилиги, унга эришиш йўллари, нутқнинг гўзал намуналари борасида ҳали жуда кўп ишлар қилишлари керак. Бу жараёнда адибларимиз, ижодкорларимиз, барча зиёлилар бир ёқадан бош чиқаришса, айни муддао бўлур эди.

**Боқижон ТЎХЛИЕВ,**
**филология фанлари доктори, профессор.**

## «Устоз — шогирд» дастури

Германия халқ университетлари уюшмаси, Халқаро алоқалар институти Андижон вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси билан биргаликда "Устоз-шогирд" дастурини амалга оширмоқда.

Дастурга мувофиқ 34 нафар йигит-қиз ярим йил давомида Андижон қурилиш касб-ҳунар коллежида дурадгорлик, тикувчилик, ёғоч ўймакорлиги сингари бир неча ҳунарни эгалладилар. Ўқиш давомида Андижон, Наманган, Марғилон шаҳарларидаги корхоналарда амалий машғулотлар ўтказилмоқда.

Ўқишни тугаллаб синов имтиҳонларини муваффақиятли топширганларга сертификатлар берилади. Сертификатга эга бўлган ёшлар эса ўз касблари бўйича иш фаолиятини давом эттириш имкониятига эга бўладилар.

**Муҳаммаджон КАРИМОВ.**




Ўзбекистонда ягона маккажўхори крахмали ишлаб чиқарувчи
«Фулонг Индустриал» ҚК
ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА САНОАТ КРАХМАЛИ СОТАДИ.
*Нархлар — келишилган ҳолда.*
*Тўлов шакли — пул ўтказиш йўли билан.*
*Дилерларни ҳамкорлик қилишга таклиф этамиз.*
*Маккажўхори сотиб оламиз.*
Барчани биз билан ҳамкорлик қилишга чорлаймиз!
Манзилимиз: Тошкент ш., Бектемир тумани, Бинокор қ., Зироат кўчаси, 1-уй.
Телефон: 58-48-97, факс: 120-58-24,
e-mail: tglst@bcc.com.uz



*Ҳамма юридик ва жисмоний шахслар диққатига!*
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 декабрдаги 539-сонли «Ўлчаш воситаларини тайёрлаш, реализация қилиш ва прокатга бериш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори чиқиши муносабати билан Вазирлар Маҳкамасининг комиссияси юридик ва жисмоний шахсларга ўлчаш воситаларини тайёрлаш, реализация қилиш ва прокатга бериш ҳуқуқига лицензия бериши учун **«Ўзстандарт» агентлиги** томонидан ҳужжатларни тайёрлаш ишлари амалга оширилмоқда.
*Маълумот учун телефонлар: 114-37-74, 114-37-02.*



КРАХМАЛ ШИННИСИ (ПАТОКА)
(маккажўхоридан)
ҚАНДОЛАТЧИЛАР ВА ПИВО ПИШИРУВЧИЛАР УЧУН
Телефонлар: 111-04-44, 152-75-72.
E-mail: makscomp@globalnet.uz





**Пулларни қўриқламай, уйда қандай сақлаш мумкин?**

Пулларни уйда хотиржам сақлаш учун уларни American Express чекларига конвертациялаш кифоя.
Сизнинг имзоингиз қўйилган чекдан фақат ўзингиз фойдаланишингиз мумкин.
Йўқотиб ёки ўғирлатиб қўйсангиз, сизнинг чекларингиз эмитент томонидан тикланиши (одатда 24 соат мобайнида) мумкин.
American Express — халқаро молия корпорациясидир.
У 150 йилдан ортиқ вақтдан буён мавжуд бўлиб, ҳар бир чекни ва ҳар йили муомалада бўладиган 300 миллион чекни таъминлайди.
Одамлар узоқ вақт мобайнида пулларини уйда ёки саёҳат пайтида сақлаш учун American Express йўл чекларидан фойдаланадилар.
American Express чекларида пулларни сақлаш қулай.
Улар бутун дунёдаги миллионлаб молия ва кредит муассасаларида қабул қилинади.
***Ўзбекистондан ташқарига йўл чекларини олиб чиқиб кетиш чекланмаган.***
Турли номиналдаги American Express йўл чекларини Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг энг яқиндаги бўлимидан харид қилиш мумкин.
**Диққат! Америка экспресснинг янги чеклари воситачилик ҳақисиз сотилмоқда.**





**American Express чеклари — ўзингизнинг нақд пулларингиздир.**
**www.amex.ru**
NBU
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ
Қўшимча маълумотлар учун «Ўзмиллийбанк»нинг исталган бўлим/филиалига мурожаат қилинг.
Мулоқот учун телефонлар: 135-40-60, 134-12-09. www.nbu.com
Тиклаш хизмати телефони: (095) 956-08-29.



ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!



«BAXT GULI» МЧЖ
Қорақалпоғистон Республикасида етиштирилган гуруч маҳсулотини улгуржи нархда сотади.
*1 кг. гуруч баҳоси — 235 сўм.*
Телефонлар: 144-65-32, 148-14-12.



MAKSIMA МЕБЕЛЬ САЛОНИ
Италия, Испания, Польша, Германиядан келтирилган мебеллар, ёритгичлар, қандиллар, идиш-товоқ, расмлар, кўрпа-ёстиқ анжомлари ва санъат маҳсулотларини таклиф этади.
MAKSIMA АРТ-ДИЗАЙН-СТУДИЯСИ
хонадонингиз, ҳовлингиз дизайнини якка тартибда ишлаб беради.
Каталог бўйича буюртмангиз етказиб берилади.
«Rosenthal»дан сара идиш-товоқлар.
Манзилимиз: Тошкент ш., Кунаев к. (собиқ Сапёрная), 46-уй.
Мўлжал — Миробод бозори.
Тел.: 111-14-44, 152-75-94.
e-mail : maksima_@globalnet.uz
Товарлар сертификатланган.





ESENYA
ҚУРИЛИШ-ИНЖИНИРИНГ ФИРМАСИ
ЛОЙИҲАЛАШТИРАМИЗ, ҚУРАМИЗ:
- БОЛАЛАР СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЖМУАЛАРИ;
- БОЛАЛАР МАЙДОНЧАЛАРИ ВА ШАҲАРЧАЛАРИ;
- БАССЕЙНЛАР;
- АКВАПАРКЛАР.

Германия, Италия, Испания, Туркия ва Россия давлатларининг қатор ишлаб чиқарувчи фирмалари дистрибьютери ва етказиб берувчисимиз.
Эскириб колган аттракционлар ва бошқа боғ жиҳозларини техник экспертизадан ўтказамиз, таъмирлаймиз ва қайта тиклаймиз ҳамда ишлаб чиқарувчи заводлардан эҳтиёт қисмларни, механизмларни ва бошқа конструктив элементларни етказиб берамиз.

ESENYA
Bau- und Handelinvestition GmbH
Traunreut - Deutschland
ОАО АТТРАКЦИОН CATALOGUE





БОЛАЛАРГА МЕҲР БИЛАН
Манзилимиз: 700025, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Абдулла Қаҳҳор кўчаси, 49-уй.
Телефон: +99871 107-16-00. Тел./факс: +99871 152-13-01.


Ўзбекистон Республикаси ФА Ҳайъати ҳамда касаба уюшмаси Бирлашган қўмитаси академик, Беруний номидаги Шарқшунослик илмий-тадқиқот институти директори маслаҳатчиси, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, фалсафа фанлари доктори, профессор

**Музаффар Мухитдинович ХАЙРУЛЛАЕВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқин қариндошларига чуқур таъзия ва ҳамдардлик билдиради.

Қашқадарё вилоят ҳокимлиги маданият ишлари бошқармаси жамоаси Маданият ишлари вазири Баҳром Қурбоновга волидаи муҳтарамаси

**Гулчеҳра ая УМАРОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Биринчи Тошкент Давлат тиббиёт институти ректорлиги, клиника ва жамоат ташкилотлари нур ташхиси ва терапия кафедрасининг мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор Марат Ходжибековга онаси

**СОТТИХОН аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Маданият ишлари вазирлиги А. Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти ректори Азиз Тўраевга акаси

**Нигмон ТЎРАЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети жамоаси Фалсафа кафедраси доценти Тўхта Қурбоновга рафиқаси

**Гулчеҳра УМАРОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 572. 29008 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва оператор Жамшед ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
Ⓣ-Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Санаев.
Навбатчи — Ҳ. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 1 2 3 4 5